

«Ер муносабатларини тартибга солиш бўйича ахборотлар тақдим этиш ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш юзасидан ҳужжатларни қабул қилиш» хизмати РЕГЛАМЕНТИ

1. Хизмат тавсифи (паспорти)

1.1. Хизмат номи

Ер муносабатларини тартибга солиш бўйича ахборотлар тақдим этиш ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш юзасидан ҳужжатларни қабул қилиш

1.2. Хизмат натижаси

Ер муносабатларини тартибга солиш бўйича батафсил ахборотлар олиш, хизматдан интерактив кўринишда фойдаланиш

1.3. Хизмат курсатувчи ташкилотлар

Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари.

1.4. Қонуний асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сонли қарори

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар

1.6. Мурожаат бериш муддати

Муддати кўрсатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

1 (бир) ой

1.8. Тасдиқлаш муддати

Муддат кўрсатилмаган

2. Хизматдан фойдаланувчилар учун маълумот

2.1. Маълумотлар таркиби ва хажми

Барча жисмоний ва юридик шахслар мурожаат этган пайтида қуйидаги маълумотларни берилиши кафолатланади:

-хизматни кўрсатувчи орган жойлашуви, телефон рақамлари, иш вақти, қабул қилиш кунлари ва вақти (телефон орқали қабулга ёзилиш, мурожаат кўни қабулга кириш ва бошқа);

-хизматдан фойдаланиш тартиби ва жараёнлари;

-хизматни кўрсатиш муддатлари.

2.2. Маълумотнома

Кўзда тутилмаган.

2.3. Сўров бўйича маълумот бериш

Шахсан: 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича барча масалалар бўйича озгаки консультация (20 минут) ва матн кўринишида ёзма равишда маълумотлар бериш.

Факс орқали: эртаю-кеч узлуксиз ҳар қандай ёзма сўровларни қабул қилиш

Электрон почта орқали: мурожаат этувчи имзоси билан ҳар қандай матн кўринишдаги (PDF) ёки бошқа келишув асосидаги сўровларни эртаю-кеч узлуксиз қабул қилиш.

2.4. Хизматни кўрсатиш жойида маълумот бериш

Ўзбекистон Республикаси. Наманган вилояти, Наманган шаҳри

2.5. Фойдаланиладиган ариза ва бланкалар (шакллар)

Ариза шакли мавжуд эмас

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Душанба-Шанба 9-00 дан 18-00 гача

3.2. Кутиш талаблари

Ташриф буюрувчилар навбат асосида иш кунлари амалга оширилади.

4. Хизмат кўрсатиш жараёнлари

4.1. Хизмат нархи.

Хизмат фойдаланиш бепул.

Хизматни кўрсатиш схемаси: «Ер муносабатларини тартибга солиш бўйича ахборотлар тақдим этиш ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш юзасидан хужжатларни қабул қилиш»

